



**АГРАР СОҲАДА ИЛМИЙ МУАССАСАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a54

Бабаджанов Абдирашид Мусаевич

и.ф.н., катта илмий ходим,

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш мухандислари институти”*

Миллий тадқиқот Университети,

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти

Аннотация. Ушбу мақолада илмий-тадқиқот институтини молиялаштириш механизми ва унинг тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги муаммолари қайд этилган.

Мамлакат илмий муассасаси илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда ундан фойдаланувчилар иштирокини кенгайтириш механизмини яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган махсус тадқиқотларни молиялаштириш манбаларини топиш зарур. Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтларини молиялаштириш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, молиялаштириш манбаларини излашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни уйғун ривожланиш йўлига ўтишни ва илмий ишланмаларни кенг миқёсда жорий этишни талаб қилади. Инновацион илмий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва сотиш, илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш учун қўшимча маблағлар яратиш муҳимдир.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, илмий тадқиқот, молиялаштириш манбалари, молиявий рағбатлантириш, молиявий механизм, молиялаштириш тизими, илмий тараққиёт, такомиллаштириш, иқтисодий барқарорлик.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА ФИНАНСИРОВАНИЯ НАУЧНОГО
УЧРЕЖДЕНИЯ В АГРАРНОЙ СФЕРЕ И ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЕГО
СИСТЕМЫ**

Бабаджанов Абдирашид Мусаевич

кандидат экономических наук, старший научный

сотрудник, Национальный исследовательский

Университет «ТИИИМСХ» Доцент кафедры

«Бухгалтерский учет и аудит»

Аннотация. В данной статье отмечается механизм финансирования НИИ и повышение эффективности его системы, а также проблемы сельского хозяйства.

Необходимо создать механизм расширения участия пользователей в финансировании научно-исследовательской и опытно-конструкторской деятельности научного учреждения страны, найти источники финансирования специальных исследований, направленных на повышение качества и конкурентоспособности сельскохозяйственной продукции. Особое внимание уделяется повышению эффективности системы финансирования сельскохозяйственных научно-исследовательских институтов, а также поиску источников финансирования. Сельскохозяйственное производство требует перехода на путь гармоничного развития и широкого внедрения научных разработок. Важно создать дополнительные фонды для разработки и реализации инновационной научной продукции и углубления научных исследований.

Ключевые слова: сельское хозяйство, научные исследования, источники финансирования, финансовое стимулирование, финансовый механизм, система финансирования, научно-технический прогресс, совершенствование, экономическая устойчивость.

IMPROVING THE MECHANISM OF FINANCING A SCIENTIFIC INSTITUTION IN THE AGRARIAN SPHERE AND IMPROVING THE EFFICIENCY OF ITS SYSTEM

Babadjanov Abdirashid Musayevich

*PhD in Economics, senior scientific researcher,
Associate professor of the Department of Accounting and
Auditing. National Research University "TIAME"*

Abstract. This article notes the research institution financing mechanism and improving the effectiveness of its system, as well as the problems of Agriculture.

It is necessary to create a mechanism for expanding the participation of users in the financing of research and development activities of the country's scientific institution, to find sources of funding for special research aimed at increasing the quality and competitiveness of agricultural products. Special attention is being paid to increasing the efficiency of the financing system of agricultural research institutes, as well as to the search for sources of financing. Agricultural production requires the transition to the path of harmonious development and the introduction of scientific developments on a large scale. It is important to create additional funds for the development and sale of innovative scientific products and deepening of scientific research.

Keywords: agriculture, scientific research, sources of financing, financial incentives, financial mechanism, financing system, scientific and technical progress, improvement, economic stability.

Кириш. Иқтисодий ислохотлар шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхшилаш, уларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги илмий инфратузилмасини ривожлантириш, мавжуд инновацион салоҳиятни мустаҳкамлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан таъкидлаганидек, "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси"ни асосий мақсади қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришдан иборат [1].

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, иқтисодиётни либераллаштириш босқичида илмий-тадқиқот дастурларини танловга тақдим этиш, унинг долзарблигини баҳолаш, танлов ғолибини аниқлаш мезонлари ва молиялаштириш тизимларида баъзи камчиликлар мавжуд бўлиб, бу танловга қўйилган мавзуларнинг тор маънодаги муаммоларга бағишланиши ва илмий-тадқиқот ишлари учун ажратилган маблағлар самарадорлигининг пасайиб кетишига олиб келди.

Илмий муассасалар илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришга бюджет ва бюджетдан ташқари, барча турдаги манбалар ва хорижий манбалар маблағларни жалб қилиш

бўйича бир қатор ишларни амалга оширмақда. Қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ҳолатини, молиялаштиришни чуқур таҳлил қилиш ва уни барқарор ривожланиш йўналишларини илмий асослаб, ушбу йўналишларни амалиётга жорий этиш механизмини ишлаб чиқиш ва илмий муассасани молиялаштириш тизимининг самарадорлигини оширишдан иборат. Ушбу секторининг ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан тубдан фарқ қилади ва ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан идоровий мақсадли дастурлар, устувор йўналишларда йирик узоқ муддатли илмий-техник дастурлар механизmidан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқотларни молиялаштириш, якуний натижага йўналтирилган дастурий мақсадли ва рақобатбардош молиялаштириш [2].

Илмий муассасаларнинг илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш соҳасини кенгайтириш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга, аграр фанни давлат томонидан молиялаштириш, илмий тадқиқот институтлар ва уларнинг тажриба-ишлаб чиқариш хўжаликларининг илмий фаолиятини ривожлантириш, оқилона комбинацияси орқали аграр фанни тўғридан-тўғри аграр бозорлар таркибига киритиш механизmidан фойдаланиш зарурати туғилади.

Молиявий ҳолат илмий-тадқиқот институтлари фаолиятининг энг муҳим хусусиятларидан биридир, чунки у илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш муносабатларининг барча иштирокчиларининг иқтисодий манфаатла-

рини амалга ошириш самарадорлигини акс эттиради ва кўп жиҳатдан илмий муассасаларнинг рақобатбардошлигини ва унинг салоҳиятини белгилайди.

Илмий соҳанинг ўзига хос хусусиятлари илмий муассасаларнинг стратегик мақсадларига эришишга қаратилган илмий муассасаларни молиявий бошқаришнинг самарали тизимини яратиш муаммосининг долзарблигини белгилайди. Шу билан бирга, мақбул ташкилий қарорларни ишлаб чиқишга бевосита таъсир кўрсатадиган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш муҳимдир.

Тугалланган илмий ечимларни товар маҳсулоти сифатида сотиш механизмини амалиётга жорий этиш, вазирлик, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хўжалик субъектлар томонидан илмий ишланмаларга олдиндан буюртма бериш, молиявий жамғармалар ва банклар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш асосида инновацион лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш механизмлари талаб даражасида ишлаётгани йўқ.

Бугунги кунда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини янада кенгайтириш, молиявий тизимининг самарали ишлаши, инновацияларнинг кенг тарқалиши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва бандлик ўсишининг асосий омилларига айланмоқда. Асосан маҳсулот сифати ва аҳоли даромадларини ошириш, меҳнат ва моддий харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун энг муҳим захиралар мавжуд. Буларнинг барчаси, мамлакат қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини белгилайди.

Шунинг учун ҳам илмий-тадқиқот институтларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ва молиялаштириш тизимининг самарадорлигини ошириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар таҳлили. Мамлакат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг паст рентабеллиги шароитида илмий-тадқиқот институтларини молиялаштиришнинг ташқи манбаларини бошқа тармоқларга нисбатан роли айниқса муҳимдир. Аммо нобюджет маблағларини тақдим этишда қишлоқ хўжалигининг улуши ҳали ҳам пастлигича қолмоқда. Аграр соҳа нобюджет манбаларини кўпайтириш учун янги ёндашувларни қўллаш зарур.

Илмий муассасани молиялаштириш механизмини, молиялаштириш тизимини ва элементларини ишлаб чиқишнинг дастлабки талаби унинг иқтисодий қонунларининг таъсирини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун иқтисодий ислохотлар шароитида ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун самарали молиялаштириш механизмини яратиш жуда қийин муаммодир.

Аграр соҳадаги илмий муассасани молиялаштиришнинг ташқи манбалари орасида четдан маблағ билан таъминлаш энг фойдали ҳисобланади. Давлат молияси ҳар қандай иқтисодиётда асосий рол ўйнайди. Уларнинг ҳолати ва динамикаси молия тизимининг барча элементларига, шунингдек, мамлакат қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига катта таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ислохотлар шароитида қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим воситаси нобюджет маблағларидан молиялаштириш тизими бўлиб, у ички ва ташқи молиявий маблағлар билан таъминлайди ва қишлоқ хўжалигининг устувор тармоқларини ривожлантириш ва илмий муассасани молиялаштиришнинг самарали механизмини шакллантиради ва қишлоқ хўжалиги корхоналар самарадорлигини оширади.

Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молиялаштириш механизмини шакллантириш иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига тааллуқли жуда муҳим ва долзарб муаммодир. Аммо бу, айниқса, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мавсумий табиати туфайли молиявий ресурсларнинг жуда нотекис оқими мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида долзарб ҳисобланади.

Илмий таъминот тизимини молиялаштириш механизмининг таъсири шуни англадики, қишлоқ хўжалиги пахта, ғалласи ва ўсимликчилик соҳасида келажакдаги ҳосилни олиш учун айланма маблағларга эҳтиёж бўлади ёки уни сотишдан олдин чорва молларини етиштириш ва ресурсларни сотиб олиш учун мавсумий молиялаштирамасдан бир меъёрда ривожлана олмайди.

Қишлоқ хўжалигини молиялаштиришни такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларини шакллантириш аграр иқтисодий фанининг долзарб масаласидир ва самарали ечимни талаб қилади [3].

Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва самарали фаолият юритишининг асосий муаммоси мамлакатнинг турли илмий муассасаларида аграр соҳада олиб

борилаётган тадқиқотларни молиялаштириш шакллари ва механизмларини излашнинг етарлича ўрганилмаган муаммо билан бево-сита боғлиқдир.

Илмий-тадқиқот институтларини мо-лиялаштириш муаммоларни ўрганиш аграр соҳа ва бошқа соҳаларда, хорижий ва Респуб-лика иқтисодий олимларининг кўплаб илмий ишларида ўз аксини топган.

Барышниковнинг таъкидлашича, қиш-лоқ хўжалиги характердаги муаммоларни ҳал қилиш юқори технологияларни жорий этиш, қишлоқда инновацияларни ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишлари харажатларини суб-сидиялаш бўйича қўллаб-қувватлаш чорала-рини амалга ошириш асосида мумкин [4].

Бурькина шундай деб ҳисоблайди, қиш-лоқ хўжалиги корхоналарни молиялаштириш манбаларини шакллантириш механизмнинг асосий вазифаси унинг жорий ва инвестиция эҳтиёжларини молиявий ресурслар билан таъминлаш орқали фаолият мақсадларига эришишдир [5].

Игнатов фикрича, инсон салоҳиятини такомиллаштириш бугунги кунда давлат сиё-сатининг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади [6].

Гамидов, тижорат банкларининг кре-дитлари ва минтақавий бюджетлардан инвес-тиция кредитлари аграр иқтисодиётни мо-лиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири бўлиши керак [7].

Бизнинг фирмизча, илмий муассасани давлат ва хусусий молиялаштириш билан боғ-лиқ асосий кўрсаткичларни таҳлил қилиш. Илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлиги-ни оширишда ва ички илмий-тадқиқот хара-жатлари нисбати сифатида баҳолашни так-лиф қиламиз.

Илмий тадқиқотларни молиялаштириш тизимининг самарали ишлашининг турли шакл ва механизмларни шакллантиришга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш молиявий ресурсларнинг етишмаслиги туфайли инно-вацион технологияларни сотиб олиш ва улар-дан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган аграр ишлаб чиқарувчиларининг аксарият қисмининг молиявий-иқтисодий ҳолатининг ҳал қилинмаган муаммосига асосланади.

Қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини бево-сита ишлаб чиқарувчилар илмий-тадқиқот институтига ил-мий ишланмалар учун муносиб тўловни таъ-минлашга қодир бўлган талабни шаклланти-ришда иштирок етмайдилар.

Илмий-техник тараққиёт ёрдамида илмий муассасани молиялаштириш амалга оширилади, бу қишлоқ хўжалигини асосий воситаларни кўпайтириш ва уларнинг тузи-лишини такомиллаштиришнинг муҳим ман-баига айлантиради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот-нинг услубий асосини қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқот институтини молиялашти-риш муаммолари бўйича маҳаллий ва хори-жий олимларнинг илмий ишлари қай даража-да ёритилганлигида акс этади. Қишлоқ хў-жалигида илмий муассасани молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш ва уни мо-лиялаштириш тизимининг самарадорлигини ошириш, иқтисодиётда инновацион жараён-ларни ривожлантириш масалалари кўриб чи-қилади. Услубий тизимли ёндашувнинг умумий илмий тамойиллари учун асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот натижасида асосли хулоса, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадқиқот давомида куйидаги усуллар қўлланилган: илмий билиш, иқтисо-дий таҳлил, молиявий таҳлил.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимида амалга оширилган илмий-тадқиқот лойиҳаларнинг молиялаш-тириш 2018 йилдан 2022 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган.

Қишлоқ хўжалигида билим ва инно-вациялар миллий марказига ажратилган маб-лағларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бун-дай мутоносиблик йўқ. Жумладан, қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот учун ажратилган маблағларнинг улуши 2022 йилни 2018 йилга нисбати 160,0 фоизни, 2018 йилда умумий маблағнинг 14,0 фоизини, 2022 йилда эса умумий маблағнинг 22,4 фоизи йўналтирил-ган (1-жадвал).

Албатта илмий-тадқиқот ишларига йў-налтирилаётган маблағларнинг бу тариқа бў-линиши ёки бошқача қилиб айтганда, илмий-тадқиқот ишлари ҳажмини соҳанинг иқтисо-диётга қўшаётган улушини ҳисобга олмасдан тақсимланиши, бир томондан иқтисодиётни ривожланишига салбий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаларини ривожланиши орасидаги тафовутнинг ошиб боришига олиб келмоқда.

Фундаментал лойиҳаларни молиялаш-тиришнинг бюджет манбалари бўйича олиб борилган таҳлил маълумотларига қараганда бу борада ҳам катта тафовутлар мавжуд. Қиш-лоқ хўжалигида билим ва инновациялар мил-лий маркази бўйича 2018 йилда бюджет маб-

лағининг 20,4 фоизини, 2020 йилда эса бюджет маблағининг 46,2 фоизини ташкил этди, 2021-2022 йилларда бюджетдан маблағ ажратилмаган.

1- жадвал

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимида амалга оширилган илмий-тадқиқот лойиҳаларнинг молиялаштириш таҳлили

Кўрсаткич номи	Йиллар					2022 йилни 2018 йилга нисбати, %
	2018	2019	2020	2021	2022	
Жами илмий-тадқиқот лойиҳалари сони	197	141	135	52	69	35,0
Ажратилган жами маблағ, млн. сўм	20784,0	32304,3	42334,9	19706,9	33251,2	160,0
шундан: Фундаментал лойиҳалар сони	10	12	15	-	-	-
Ажратилган маблағ, млрд. сўм	1074,7	1756,5	2433,8	-	-	-
Амалий лойиҳалар сони	141	109	110	36	58	41,1
Ажратилган маблағ, млрд. сўм	16045,8	26175,0	36370,5	13648,4	27528,1	171,6
Инновацион лойиҳалар сони	4620	20	10	10	11	23,9
Ажратилган маблағ, млрд. сўм	3663,5	3704,8	3530,6	6058,5	5723,1	156,2

Манба: Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази маълумотлари асосида тайёрланди.

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг асосий қисмини бюджетдан ташқари маблағлар бўйича олиб бормоқдалар.

Қишлоқ хўжалиги инновацион-инвестиция фаолияти фаоллигининг паст даражаси нафақат давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва ўз молиявий ресурсларининг етишмаслиги, балки аграр ишлаб чиқариш учун муҳим бўлган инновацион лойиҳалар ва илғор илмий-тадқиқот ишланмаларини жорий этиш тажрибаси туфайли ҳам ривожланди [8].

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бўйича амалий ва инновацион лойиҳаларга жалб қилинган маблағлар улуши ҳажмига нисбатан 2022 йилни 2018 йилга нисбати 168,7 фоизни, 2018 йилда 13,8 фоизни, 2022 йилда 23,3 фоизни ташкил қилган. Албатта бу илмий-тадқиқот ишларининг умумий ҳажмининг оширишга олиб келади.

Ушбу манба маблағини жалб қилишни услубиётини ва механизмини ишлаб чиқиш зарур. Бу борада икки томонни яъни, молиялаштирувчи корхона ва илмий муассаса ҳам манфаатларини кўзловчи механизм бўлиши ва буни асосида рағбатлантириш механизми бўлиши шарт. Рағбатлантириш механизми тушунчасига кенг маънода ёндашиш, биргина томонларнинг моддий манфаатдорлиги эмас, балки давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (солиқ, баҳо, паст фоизлик кредит) омилларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун бюджет маблағларининг камайиб бораётган вақтида бюджетдан ташқари манбалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятига эга.

Қишлоқ хўжалиги тадқиқотларига инвестицияларнинг кўпайиши уни мустақамлашнинг ягона талаби бўлмаса-да, у муваффақиятли трансформация жараёнларининг энг муҳим омили бўлиб қолмоқда [9].

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари кўлами, соҳада илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун ажратилаётган маблағлар ҳажми, билан маънонд эмас.

Тадқиқот ишлари натижалари биринчи навбатда маҳсулот етиштиришда сифат кўрсаткичларга таъсир қилади. Шу боис қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимида эришилган илмий натижалар таҳлилинини кўриш мумкин (2-жадвал).

Олиб борилган илмий-тадқиқотларнинг пировард натижаси яратилган илмий янгиликларга патентлар олиш, навлар яратиш ҳамда мавжуд муаммонинг аниқ илмий ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Жумладан, патентлар сони 2018 йилда 24 та, 2019 йилда 25 та, 2020 йилда 22 та, 2021 йилда 31 та, 2022 йилда 38 тага етган. Бу кўрсаткич 2018 йилдаги 24 та патентдан 2022 йилда 38 тага кўпайган.

**Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимида
эришилган илмий натижалар таҳлили**

Кўрсаткич номи	Йиллар					2022 йилни 2018 йилга нисбати, %
	2018	2019	2020	2021	2022	
Патентлар сони	24	25	22	31	38	158,3
Яратилган навлар сони (барча экинлар бўйича)	51	24	20	15	16	31,4
Жами илмий ишланмалар сони, дона	23	13	7	24	29	126,1
Шундан амалиётга жорий этилган илмий ишланмалар сони, дона	17	3	7	8	11	64,7
Жорий этиш даражаси, %	73,9	23,1	100	33,0	36,0	-

Манба: Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази маълумотлари асосида тайёрланди.

Навлар яратиш борасида бу кўрсаткич ўрганилган даврда анча паст даражани ташкил этади. Жумладан, 2018 йилда 51 та нав яратилган бўлса, 2022 йилда эса 16 та нав яратилган.

Бундан кўриниб турибдики, охириги йилларда илмий ғоянинг сўнгги босқичи ҳисобланган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларга эътиборнинг пасайиши ҳамда уларни тижоратлаштириш масаласи яхши йўлга қўйилмаган.

Лойиҳалар натижаси бўйича ишлаб чиқилган илмий ишланмалар сони охириги беш йилда ортганлигини кўришимиз мумкин. Натижада илмий-тадқиқот институтлари томонидан 2018 йилда 23 та илмий ишланмалар тайёрланган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 29 тани ташкил этган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, илмий ишланмаларнинг амалиётга жорий этиш ҳолати 2020 йилни ҳисобга олмаганда, пасайиб борган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 73,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб 36,0 фоизга пасайиб кетган.

Илмий-техник лойиҳалар ўз активларининг зарур ҳажмига эга эмас, ушбу лойиҳаларни молиялаштириш учун жалб қилинган маблағлар ёрдамида ўз-ўзини молиялаштириш ва молиялаштиришдан фойдаланиш жуда қийин [10].

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари кўпроқ соҳани ривожлантиришга қаратилган.

Хулоса ва таклифлар. Аграр соҳада илмий муассасани молиялаштириш манбаларини излаш, молиялаштириш механизми ва тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муаммоларидан келиб чиқиб, қуйидаги хулоса, таклиф ва тавсияларни киритиш мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

Мамлакат қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиши ва иқтисодиётга қўшаётган улушининг ошиб бориши учун илмий-тадқиқот ишларини дехқончилик ва чорвачилик, ўсимликларнинг барча турлари бўйича молиялаштиришни ялпи ички маъсулотга қўшаётган улушига мос равишда олиб бориши лозим. Илмий-тадқиқот ишларида фақат бир ёки икки тармоққа эътиборни қаратиш қишлоқ хўжалигини барча тармоқини бир текис ривожланишини таъминламайди. Қишлоқ хўжалиги тармоқи бир-бирини тўлғизиш туради, яъни дехқончилик чорвачиликни ва ўсимликлар дехқончиликни, бир экин турлари тупроқ унумдорлигини пасайтириш, иккинчиси уни кўпайтиради, бир экин тури камроқ даромад берса бошқаси юқори даромад беради. Шунини ҳисобга олиб йўналишлардаги илмий-тадқиқот ишлари шу йўналишнинг улушига қараб олиб борилиши лозим.

Илмий муассасалар илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф қуйидагидан иборат.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги илмий-тадқиқот ишларини бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиялаштириш усулидан фойдаланиш жараёнини фаоллаштириш лозим, жумладан:

- қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқотлар ва яқунланган натижаларни жорий қилишни молиялаштиришда турли манбалардан фойдаланиш тизимини ривожлантириш талаб этилади;

- илмий ечимларни қишлоқ хўжалигида амалиётга жорий қилишни молиялаштиришда банк кредитларидан кенгроқ фойдаланиш асосида, ушбу жараёнга жалб қилинган банк-

лар учун ҳам иқтисодий ва ҳуқуқий рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқиш зарур;
- илмий-тадқиқот ишларини хажмини кенгайтиришда нодавлат соҳалар, жумладан, хусусий субъектлар иштироки учун ҳуқуқий асосларни кенгайтириш талаб этилади;

- қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот институти ва тайёр илмий ечимлар истеъмолчиларини тадқиқот якунларини сотиш ва жорий қилишда бозор тамоийиллари асосида ишлаши учун зарур инфра-тузилма субъектларини янада ривожлантириш лозим.

Аграр соҳада молиялаштириш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар қуйидагидан иборат.

Аграр соҳада молиялаштириш тизимининг самарадорлигини аниқлашда олинган маълумотлар динамикада таққосланишини таъминлаш керак. Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади: таққосланадиган нархларда ёки на-турада мутлақ, нисбий - қиймат кўрсаткичларининг нисбати.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши муаммоларини ҳал қилишни тавсифлайди, унда маҳсулот ишлаб чиқариш, иқтисодий ривожланиш шароитларини таъминлаш, инсоннинг

ижтимоий ривожланиши учун шароит яратиш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш турли даражадаги ресурслар харажатлари билан амалга оширилади. Шунинг учун тегишли интеграл кўрсаткични ҳисоблаш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш керак.

Бундан ташқари, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган тадқиқотлар молиялаштириш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, соҳадаги тармоқлар йўналиши молиялаштириш тизимида боғлиқ. Бундай молиялаштириш тизимидаги номутаносибликларга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- биринчидан, қишлоқ хўжалиги тармоқларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар яхлит бир тизимга солинмаганлиги;

- иккинчидан, мавзу танлаш механизми иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳалари талабларига мослашмаганлиги;

- учинчидан, бошқа соҳаларнинг қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида ва қишлоқда бандликни юмшатишдаги ўрнига тўғри баҳо берилмаслиги бўлмоқда.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси" ПФ-5853-сон Фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2019 йил 28 октябрь, 43-сон, 815-модда.
2. Бабаджанов А.М. (2020) Экономический рост в развитии аграрной науки Республики Узбекистан. «Евразийское Научное Объединение». Интеграция науки в современном мире, 64я Международная научная конференция. – Москва: №6 (64). - С. -259-262.
3. Нехайчук Ю.С., Ногас И.Л. (2017) Направления совершенствования финансирования деятельности аграрных предприятий. Научный вестник: Финансы, банки, инвестиции. Москва. - №2. – С. 21-27.
4. Барышников Н.Г. (2010) Методология анализа использования бюджетных средств в сельском хозяйстве / Н.Г. Барышников, Д.Ю. Самыгин, Ю.С. Зарькова // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. № 8 (70), - С. 101-107
5. Бурыкина А.Д. (2014) Интеллектуальная собственность как фактор повышения финансовой устойчивости предприятий // Труд и социальные отношения, Москва. № 2. - 114 с.
6. Игнатова Т.В., Черкасова Т.П. (2019) Интеграция технологических факторов и институциональных условий перехода к инновационному типу экономического роста // JOURNAL OF ECONOMIC REGULATION (Вопросы регулирования экономики). Москва. Том 10. № 2. С. 72 – 82.
7. Гамидов Г.Г. (2020) Совершенствование механизма внешнего финансирования сельского хозяйства // Вестник социально-педагогического института. Москва. №(36). – С. 7-17.
8. Черникова С.А., Ковалева Е.Б., Пыткина С.А. (2020) Механизм финансовой поддержки инновационной деятельности агропромышленного комплекса пространственно-отраслевой структуры региона // Экономические отношения. Москва. – Том 10. – № 2. – С. 543-558. – doi: 10.18334/eo.10.2.110101.
9. Babadjanov A.M. (2013) Agricultural research for development: investing in Uzbekistan's future. Ж: "Agricultural Sciences", -USA.: Vol. 4, No.2, - Pp. 62-65.
10. Елисеев Е.А., Павлова Е.А. (2014) Проблемы финансирования научно-технических проектов // Современные проблемы науки и образования. Санкт-Петербург. – № 3.; URL: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=13328>